ТАКРОРИЙ НОМИНАЦИЯ – НУТҚ ИЗЧИЛЛИГИ ИФОДА ВОСИТАСИ СИФАТИДА

И.О.АНОРБОЕВА

Мақолада такрорий номинациянинг нутқ оқимида бирламчи номинациялар билан боғлиқ равишда алоҳида синтагматик сегментни ташкил этиши таҳлил қилинган. Турли тизимга оид француз ва ўзбек тиллари ўртасидаги оппозицион фарқлар нутқ меъёри хусусиятлари билан изоҳланади.

***Таянч сўзлар**: такрорий номинация, синтагматик сегмент, нутқ изчиллиги, нутқ бирликлари, денотат, семантема, репрезентатив феъллар.*

В статье рассматривается повторная номинация в цепи речи, связанная с первичной номинацией и составляющая отдельный синтагматический сегмент. Оппозиционная дифференциация между французским и узбекским языками, относящимися к различным системам, определяется спецификой норм речи.

***Ключевые слова:** повторная номинация, синтагматический сегмент, последовательность речи, единица речи, денотат, семантема, репрезантативные глаголы.*

The article discusses the problems of repeated nomination in the speech act and related to the primary nomination and forming a special syntagmatic segment. Oppositional difference between French and Uzbek languages belonging to different families of languages are shown by the specific features of speech norm.

***Key words:** repeated nomination, syntagmatic segment, denotation, semanteme, verb representative, successive speech.*

Нутқ жараёнида иштирок этаётган гаплар муайян ахборот ташувчи ифода воситалари сифатида намоён бўлади. Зарурий коммуникатив муддао ва мақсад билан уйғунлашган гаплар боғлами горизонтал йўналишда синтагматик жиҳатдан тартибли занжирлашади ҳамда маълум ахборот маконини яратади. Ахборот макони яратишда иштирок этувчи гаплар коммуникатив жиҳатдан бири иккинчисини изчил равишда бирин-кетин тўлдириб келади. Айнан шу изчиллик уларнинг тартибли жойлашувини, айни чоғда, ўзаро узвий боғланишини таъмин этади. Бинобарин, нутқ занжири замирида изчиллик маъноси ётади [1].

Изчиллик категория сифатида ахборот макони яратувчи нутқ занжири оқимининг бир чизикли йўналишдаги воқеалар тасвири ўзанини акс эттиради. Нутқ занжири оқимининг ўзанида бир чизиқли йўналиш бўйича ифодага кирувчи нутқ бирликлари изчиллик асосида ахборот уйғунлигини шакллантирувчи коммуникатив қиммат олади.

Демак, изчиллик категорияси тушунчаси остида бир чизиқли йўналишдаги нутқ занжири ифода воситалари орқали акс этувчи ахборот оқими ўзанининг умумлашган маъноси англашилади. Изчиллик категорияси нутқ фаолиятининг, хусусан, матн тилшунослигининг алоҳида категорияси сифатида эътироф этилади: “Изчиллик категорияси матн хусусиятини очиб берувчи ва гаплар боғланишида ўз ифодасини топувчи матн тилшунослигининг умумий тушунчасидир” [2.23].

Одатда, матн тилшунослиги, матншунослик нутқ фаолияти лингвистик масалаларини ёзувдаги намунаси орқали тадқиқ этиш билан машғул.

Изчиллик категорияси яхлитлашган гуруҳни шакллантирувчи гаплар ўртасидаги синтагматик муносабатларни очиб беришда, тасвирлашда қулай восита сифатида қўл келади. Изчиллик маъноси нафақат гаплар ўртасида, шунингдек, унинг номинатив бўлаклари ўртасида ҳам кузатилиб, ахборот оқими сурункали занжирлашувини таъмин этади. Бу ўринда, ахборот макони яратувчи бирламчи ва такрорий номинация алоҳида синтагматик сегмент яратади. Атамашунослик жиҳатидан, бирламчи номинация – борлиқнинг вазиятда акс этган бўлаги ҳисобланса, такрорий номинация мазкур вазият элементининг қайта, яна бир бор аталишидир. Бирламчи ва такрорий номинация ўртасидаги денотат, маъно, мазмун умумийлиги синтагматик сегмент умумийлигини ташкил этади.

Бирламчи ва такрорий номинация муносабати асосида юзага келган синтагматик сегмент замирида субстанция, иш-ҳаракат, субстанция ва иш-харакат тавсифи каби ономосиологик категориялар ётиши мумкин [3].

Ономосиологик типология нуқтаи назаридан француз ва ўзбек тилларида иш-ҳаракат такрорий номинациясини бирламчи ва такрорий номинациялар синтагматик сегменти доирасида ўрганишнинг муҳимлиги шубҳасиз [3]. Зеро, бундай ёндашув нутқ занжири типологиясига дастлабки қадам ҳисобланади.

Нутқ занжири ифода воситаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, бирламчи ва такрорий номинация синтагматик сегменти типологияси, одатда, ҳар икки тил одати, нутқ меъёрини белгиловчи хилма-хил қўлланишдаги турли ифода воситаларининг нутқ вази-

ятларида муайян синтагматик сегмент доирасида ўзига хос тарзда мужассамлашувида ўз аксини топади. Хилма-хил қўлланишда турли ифода воситаларининг муайян нутқ вазиятларига татбиқ этилиши киёсланаётган тиллар руҳи, нутқий ифода меъёрлари талабларига кўра амалга ошади ҳамда лексик оппозиция тамойили кўрсаткичлари асосида таснифланади. Жумладан, синтагматик сегментдан жой олган иш-ҳаракатининг такрорий номинацияси таққоси "лексик ўхшашлик" ва "лексик вариативлик" оппозициясини ажратиш имконини беради.

Лексик ўхшашлик ахборот маконининг турли жойларидан ўрин олган бир хил денотат билан боғланган иш-ҳаракат номинацияларининг ўзаро муносабатида ўз аксини топади. Қуйидаги мисол фикримиз гувоҳи бўла олади: Duroy s'assit et attendit. Il attendit longtemps. (G.de Maupassant.Bel.Ami.) Дюруа ўтириб кута бошлади. У анча кутишди. (Мопассан. Азизим.)

Мазкур мисолда икки ёнма-ён жойлашган гапда кутиш жараёни тасвири билан боғлиқ **«attendre»** ва **«кутмоқ»** феъллари икки марта қўлланган. Биринчи гапда қўлланган **«attendre» ва «кутмоқ»** сўзлари кутиш жараёни маъноси билан боғланган иккинчи гап таркибидаги сўзларга нисбатан бирламчи номинация ҳисобланади; иккинчи гап таркибидаги сўзлар биринчи гапдагиларга нисбатан такрорий номинация саналади, чунки улар кутиш жараёнини такрор ҳолда номламокда. Биринчи гапдаги "attendre" феъли билан иккинчи гапдаги "attendre" сўзи, худди шунингдек, биринчи гапдаги "кутмоқ" билан иккинчи "кутмоқ", ҳар хил гапда жойлашишига қарамасдан, бир синтагматик сегментга мужассамлашади, чунки улар ўзаро "кутиш" жараёни мазмунини ташкил этган алоҳида денотат асосида узвийлашади. Бирламчи номинация дастлабки асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат килади. Fз навбатида, такрорий номинация унга суянади, бирламчи номинация ахборот қуввати асосида такрорий номинация ифода кўлами, қудрати аниқланади. Лексик такрор асосида шаклланган такрорий номинациялар ахборот маконида жой олган яхлит мураккаб жумлалар ўртасида, уларнинг ичида кузатилиши мумкин. Хатто, улар бир гапнинг ичида ҳам акс этиши мумкин.

Лексик такрор кўринишидаги такрорий номинацияларнинг ахборот маконининг турли ўринларидан жой олиши уларни алоҳида синтагматик сегментга ажратишга халақит бермайди.

Оппозициянинг вариативлик доирасидаги такрорий номинациялар лексик синонимлашувни камраб олади. Бу ҳолатда синтагматик сегмент доирасида ахборот ташувчи бирламчи номинация билан такрорий номинация муносабати ифода воситаларининг лексик ранг-баранглигини яратади [4]. Фикримизнинг мантикий тасдиғи сифатида қуйидаги мисолни келтирамиз: Je ne sais ce que je lui dis. Il tira son epee et je degainerai. (Merimee. Carmen) Унга нима деганим ёдимда йўқ. У қиличини яланғочлади, мен ҳам қиличимни суғурдим. (Мериме. Кармен.)

Ушбу мисолимизда "tirer son epee" ва "қиличини яланғочлади" биринчи номинация сифатида ажратилади, «degainer» ва «қиличини суғурмоқ» нутқ вазиятидаги ҳаракат белгиси тасвири сифатида алоҳида синтагматик сегментга кўчади. Бирламчи номинация ҳисобланмиш "tirer son epee" ва "қиличини яланғочламоқ" ушбу нутқ вазиятида таянч ахборот манбаи сифатида тўлақонли ахборот ташиш имкониятига эга экани билан характерланади. Fз навбатида, "degainer" ва "қиличини суғурмоқ" такрорий номинациялари тўлақонли ахборот манбаи бўлмиш бирламчи номинацияга суянади ҳамда коммуникатив қимматга эга бўлган ахборот тизими яратади. Француз тилида "degainer" феълидан кейин "son epee" отини қўлламаслик маъқул. Унинг семантемадаги иштироки хусусида бирламчи номинация "tirer son epee" хабар беради. Оқибатда нутқ вазияти тасвирида ахборот ташиш кўламига кўра сўз бирикмаси билан сўз синонимик муносабатга киришади. Fзбек тилида эса ҳар иккала холатда ҳам сўз бирикмаси сақланган. Синтагматик сегмент таққосининг айни холатдаги икки тил ўртасидаги муносабати нутқ оқимидаги ахборот тақсимотининг "тежамкорлик = санжоблашув" муносабатини юзага келтиради. Синтагматик сегментдаги бирламчи номинациялар нафакат дастлабки, шунингдек, асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат килади, шунинг баробарида нутқ вазияти тасвирига татбиқ этилган такрорий номинациянинг ўзи мазмунан уйғунлашувга таъсир этади. Бу эса, ўз навбатида, семантема таркибида маълум семаларнинг фаоллашувига олиб келади, етакчи ахборот қимматини белгиловчи маъно аломатларига айланади [5]. Қуйидаги мисол фикримизга далил бўлиб хизмат қилади:

- Les autres demenderent du vin. Cornudet reclama de la biere.(Gui de Maupassant. Boul de suif.).

- Бошқалар вино буюришди. Корнюде пиво сўради. (Мопассан.Дўндиқча.)

Мазкур мисолдаги "demander" феъли ахборот оқимида "reclamer" синонимлашади ва етакчи, фаол сема сифатида "ичимликка буюртма бериш" маъносига хизмат қилади. Худди шундай ҳолат ўзбек тилида ҳам кузатилади. Синтагматик сегментдаги бирламчи номинациялар ўрнига нутқ вазиятларида такрорий номинация функциясидаги турли ифода воситаларининг кириши ва маъно уйғунлигини яратиши нутқий синонимларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Нутқ вазиятларида ҳосил бўлувчи синонимлар тилдаги мавжуд синонимлар қаторини бойитади. Жумладан, муайян нутқ вазиятида "bailler" сўзининг "ouvrir la bouche", "эснамоқ" феълининг "оғзини очмоқ" сўз бирикмасига синонимлашади. Хусусан, қуйидаги мисол шундан далолат бериб турибди:

De temps en temps quelqu'un baillait un autre presque

aussitot l'imitait et chaqun, a tour de role, suivant son caractere, son savoir vivre et sa position sociale, ouvrait la bouche avec fracas ou modestement en portant vite soudain devant le trou bйant d'ощ sortait une vapeur (Maupassant. Boule de suif).

Гоҳ-гоҳ йўловчилардан бири эснай бошлайди; унинг кетидан дарҳол бошқаси эснайди, ўзининг хулқи, тарбияси ва жамиятдаги тутган ўрнига қараб биров товуш чиқариб, биров товушсиз навбат билан оғзини очар ва буғ чиқиб турган ковакни тезда қўли билан беркитади (Морассан. Дўндиқча.).

Француз тилидаги "bailler" сўзи "ouvrir la bouche" сўз бирикмасига нисбатан тил синоними ҳисобланади. Чунки у тилда "эснамоқ" луғавий маъносига эга бўлиб, нутқ жараёнига кўчганда ҳам шу маъноси асосида семантизациялашади. Аксинча, "ouvrir la bouche", "bailler" га нисбатан нутқ синоними ҳисобланади. Чунки у айрим нутқ вазиятларидагина "эснамоқ" маъносини ифода этади. Албатта, бунда бирламчи номинация функциясини бажарувчи "bailler" етакчи роль ўйнайди. Зеро, нутқ вазиятлари хусусияти ва моҳияти таъсирида "ouvrir la bouche" avaler, manger, prendre ses repas ; montrer, examiner, considerer каби феъллар ва бошқа сўзлар билан синонимлашуви мумкин [6].

Худди шундай нуқтаи назар ўзбек тилидаги "эснамоқ", "оғзини очмоқ" каби лексик бирликларига ҳам тааллуқлидир. Демак, тилдаги синонимлар тақчиллиги нутқда бартараф этилади. Нутқ вазиятларида юзага келган синонимлар тилдаги синонимлар қаторини бойитишга, тил ифода қудратининг ортишига хизмат қилади. Баъзи ҳолларда нутқдаги синонимларнинг шаклланишида нутқ прагматикаси етакчи роль ўйнайди. Фикримизга далил сифатида қуйидаги мисол билан кифояланамиз:

- Puis ils sont venu pour loger chez moi ; j'ai sautй a la gorge du premier. Ils ne sont pas difficiles a etrangler que d'autres. Et je l'aurais terminй, celui-la, si l'on me m'avait pas tirйe par les cheveux. (Maupassant. Boule de suif.).

- Кейин улар уйимда тургани келишди. Биринчи кирганимдаёқ бўғзидан олдим. Немисни бўғиб ўлдириш бошқаларни ўлдиришдан қийин эмас! Агар сочимдан тортқилаб ташламаганларида-ку, ишини тамом қилардим-а. (Мопассан. Дўндиқча.).

Бу хилдаги синонимлар синтагматик сегментга жойлашган бирламчи ва такрорий номинациялар муносабати асосида импликация ҳодисасининг юзага келишини акс эттиради.

Такрорий номинация ифода воситаларининг вариативлиги доирасида синтагматик сегментлардаги бирламчи номинация ифода воситалари билан таққослаган ҳолда "синонимик номлаш ва репрезентатив номлаш" оппозицияси фарқланади. Синонимик номлаш такрорий номинациялар ифода воситалари қаторидан жой олган тил ва нутқ синонимларининг мужассамлашувини тақозо этади. Тил синонимлари муайян тил луғат таркибида мавжудлашган, маълум барқарор маъно билан боғланган лексик бирликлар ҳисобланади. Улар нутққа кўчганда ҳам таркибидаги маъно асосида семантизациялашади. Нутқ синонимлари эса муайян нутқ вазиятларида юзага келади, тил синонимлари билан ўзаро боғланиши оқибатида янги бир даврий, вазиятли маъно билан боғланиб, ахборот қимматига эга бўлади. Репрезентатив номлаш билан боғлиқ феъллар умумлаштириб номлаш хусусиятига эга бўлиб, семантик таркибида семалар тақчиллиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам репрезентатив феъллар ҳамда бирламчи номинация вазифасини бажарувчи феъллар фарқланади. Чунки бирламчи номинациядаги лексик бирлик тўла қамровли лексик маънога эга, такрорий номинация вазифасини бажарувчи репрезентатив феъл эса мавхум маъно касб этиб, бирламчи номинациядаги феъл билан боғланишигина унинг маъно қиррасини аниқ очиб беради. Мисол:

-Гоҳ-гоҳ йўловчилардан бири эснай бошлайди; унинг кетидан дарҳол бошқаси эснайди... (Мопассан. Дўндиқча.).

- De temps en temps, quelqu'un bailler ; un autre presque aussitot l'imiter.(Mopassant.Boule de Suif.)

Мазкур мисолдаги "bailler" феъли билан боғланган "imiter" айни нутқ вазиятида "эснамоқ" маъносини олади. "Imiter" феъли семантик хусусиятига кўра ҳар қандай мустақил маъноли феълга нисбатан синонимлашув хусусиятига эга. Француз тилида "эснамоқ" ҳаракати синтагматик сегментдаги бирламчи номинацияни ифодаловчи мустақил лексик маъноли ҳамда такрорий номинацияни ифодаловчи репрезентатив феъл муносабатида акс этса, ўзбек тилида "эснамоқ" ҳаракати лексик такрор воситасида ифода этилади. Демак, типологик планда "тўлиқ маъноли феъл ҳамда репрезентатив феъл" – "лексик такрор" муносабати юзага келади.

Такрорий номинация функциясидаги репрезентатив феъллар бирламчи номинациядаги феъллар билан тўла ўхшашлик ҳосил этиши мумкин. Мисол:

- Mais deux hommes se reconnerent, un troisieme les aborda, ils causerent : J'emmene ma femme, dit l'un-J'en fais autant. Et moi aussi. (Maupassan.Boule de Suif.)

-Икки эркак бир-бирини таниб қолди, уларнинг ёнига учинчиси келди ва сўзлаша кетишди. Мен хотиним билан кетаётирман,-деди улардан бири.

- Мен ҳам.

-Мен ҳам.

(Мопассан. Дўндиқча.)

Бунда француз тилидаги такрорий номинация функциясидаги "en faire autant " репрезентатив феъли "emmener sa femme" бирламчи номинацияси билан тўла ўхшашлик ҳосил этади. Унинг ўхшашлигини бирламчи номинация билан боғлаган ҳолдагина тўла тасаввур қилинади. Fзбек тилида эса мазкур нутқ вази-

яти эллиптик гап орқали берилган. Унинг тўла мазмуни контекст асосида аниқланади.

Тўлиқ ўхшашлик ҳосил этувчи феъллар билан бир қаторда ҳаракат аспектининг маълум қирраси билан боғланган репрезентатив феъллар тоифаси ҳам ажратилади. Бундай репрезентатив феъллар тоифасига ҳамкорлик, рўёбга чиқувчи ва рўёб топмайдиган ўхшашликни ифода этувчи феъллар киради: aider, realiser, reussir, parvenir, y arriver, essuyer ва бошқалар. Худди шунингдек, ўзбек тилида: ёрдамлашмоқ, амалга оширмоқ, эришмоқ, уддасидан чиқмоқ, уринмоқ, ҳаракат қилиб кўрмоқ ва бошқалар.

Репрезентатив феъллар доирасида “оддий ўхшашлик / мураккаблашган ўхшашлик” оппозицияси ажратилади.

Оддий ўхшашлик ҳосил этувчи репрезентатив феъллар бирламчи номинациядаги феъллар билан алоқага киришиб, ўхшашликнинг турли даражасини акс эттиради. Мураккаблашган ўхшашликни ифода этувчи феъллар эса қўшимча маъно аломатлари билан қоришиб, ўхшашлик маъносини билвосита акс эттиради. Ушбу феълларда ўхшашлик даража, тус ва бошқа маънолар орқали ифода этилади. Бу ўринда қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

- ...et je lui dit: On dit que tu sais jouer du couteau comme le meilleur jaque de Malaga, veux-tu t’essayer avec moi .(Merimee. Carmen.).

- Эшитишимча, пичоқбозлик қилишда Малагалик бўз болалардан қолишмасмишсан; мен билан пичоқбозлик қилишга майлинг борми?- дедим. (Мериме. Кармен.).

- Au moment de nous separer elle me dit –Il y a une fete a Cordoue, je vais la voir, puis je serai les gens qui s’en vont avec de l’argent et je te le dirai.Je la laissai partir. (Merime. Carmen.).

- Мен билан хайрлашар экан: Кордуда байрам, ўша ёққа боргим келяпти, у ерда ким серпул бўлиб қайтганини билиб, сенга айтаман,- деди. Мен унга рухсат бердим.(Мериме. Кармен.).

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида ўхшашликнинг турли даражаси ифода этилган бўлса, иккинчисида мураккаблашган ўхшашлик ўз аксини топган.

Синтагматик сегментда бирламчи номинация билан муносабатга киришувчи такрорий номинация функциясидаги бир қатор феъллар кузатиладики, улар окказионал ўхшашлик ва синонимликни ҳосил этади. Мисол учун:

Даррага кираверишда отим кишнаб юборди, шу заҳоти менга кўринмаган бошқа бир от ҳам кишнаб, отимга жавоб берди.(Мериме. Кармен.).

A l’entrйe de la gorge, mon cheval hennit, et un autre cheval, que je ne voyais pas, lui repondit aussitot. (Merimee Carmen.)

Юқоридаги мисолимиздан кўриниб турибдики, француз тилида бир нутқ вазияти доирасида “hennit” билан “lui repondit“ синонимлашиб, маълум маъно ўхшашлигини ҳосил этмоқда. Бу ўхшашлик айнан шу нутқ вазиятига тааллуқли бўлгани учун ҳам окказионал хусусият касб этади. Fзбек тилида эса бу лексик такрорнинг сақланиши ҳамда лексик-семантик санжоблик билан характерланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, изчиллик категорияси ёрдамида такрорий номинация хусусиятини очиб бериш кенг қамровдаги ахборот макони доираси билан боғлиқ. Ахборот макони ичида изчиллик категорияси нутқ оқимининг муайян йўналишидаги ахборот ўзанида унинг уйғун занжирланишини таъминлайди. Такрорий номинация нутқ занжирида бирламчи номинация билан боғлиқ равишда алоҳида ситагматик сегментни ташкил этади. Синтагматик сегмент ахборот маконининг турли ўринларидан жой олиши мумкин. Синтагматик сегмент доирасида француз тили билан ўзбек тилидаги такрорий номинацияларнинг қиёсий таҳлили икки тил муносабатига хос оппозицияларнинг мавжудлигини кўрсатади. Тиллар ўртасидаги оппозицион фарқлар уларнинг руҳи, одати, нутқ меъёри хусусиятлари билан изоҳланади. Тил ва нутқ синонимларининг фарқланиши айнан шу ҳодисанинг маҳсули бўлиб, тил луғатининг бойишига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Харвег Р. Редуцированная речь.- В кн.: Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистика текста.- М.,1978
2. Зарубина Н.Д. Текст: лингвистические и методические аспекты.- М.,1981.
3. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология.- М.,1977.
4. Гак В.Г. К типологии лингвистических номинаций.- В кн.: Языковая номинация. Обшие вопросы.- М.,1977.
5. Greimas A. Semantique structurale.- 1976.
6. Ullmann S. Precis de Semantique franзaise.- 1952 .

Андижон давлат университети,
2013 йил 20 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. М.Умархўжаев)